



НИЗОМИДДИН МИР
АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ
583 ЙИЛЛИГИ

НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ГАЗЕТАСИ

№10
(20046)
2024 йил
7 февраль
чоршанба

1918 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

«Наманган» эркин иқтисодий зонаси кенгаймоқда

Бунинг учун Тўрақўрғон туманидаги Ибрат массиви адирликларида 70 гектар ер ажратилган. Ушбу ҳудудда илк корхона – «Ibrat TST GROUP» МЧЖ қурилишига тамад тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 42 млн. долларга тенг. Асосан ип-калава ҳамда импорт ўрнини босувчи тайёр текстиль ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонада 800 та янги иш ўрни яратилади.

Туман жамоатчилиги, нурунийлар, қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани ҳокими бошчилигидаги меҳмонлар иштирокида қурилишга оқ фотиҳа берилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразақов қатнашди ва бу ердаги лойиҳаларни тезроқ ҳаётга татиқ этиш учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Таъкидлаш лозим, ушбу ҳудудда ҳозирга қадар қиймати 912 млн. доллар бўлган 22 та лойиҳа тақлифлари шакллантирилган.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.



Дилором

Назм мулкида султондир Навоий,
Ғазал жонон-ю жондир Навоий.
Уқиб одам бўл, имкондир Навоий,
Сўзин кўксингда тутти шондир Навоий.

Қуёшдир на-да ботгай, на-да сўнгай,
Сўзин кўнгила соласанг, кўнгила унгай.
Кўзининг ёши тоғи дўнгай,
Баҳордир, абри найсондир Навоий.

Дилим парвонаси ул шамчироқдир,
Яқиндир шунчалар, қанча йироқдир.
Ичиб қон ташна бўлсанг, ул бўлоқдир.
Узингни отиш, уммондир Навоий.

Усин нур топмагачсан ойда бўлсанг,
Ани сев хоҳ улуг, хоҳ майда бўлсанг,
Бошинг тўтиш баланд ҳар қайда бўлсанг,
Турондир, Ўзбекистондир Навоий...

ОИЛА – МУҚАДДАС

Воз кечиш шунчалар осонми?

Муқаддас кўрғон ҳисобланган оила ҳақида ҳар қандай замонда давлат ҳамда жамият асоси бўлиб келган. Шундан унинг мустақамлигини таъминлаш, эр-хотин муносабатлари, фарзандлар тарбияси, рўзгор юқини тортиш билан боғлиқ мажбуриятлар анъана ва қонуний меъёрларга мувофиқ тартибга солиб келинади. Ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз тўқинлашиб, турмуш кечириш енгиллашиб бораётган замонамизда бу мажбуриятлар қандай бажарилгани, ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёргарлиги етарлими, никоҳдан ўтиш чоғида берилган аҳд паймонлар ҳақида кучдами? Ойла-оила дарз етказадиган ажралишлар сони нега кейинги пайтларда кўпайиб бораётган? Журналист Қудратилла НАЖМИДДИНОВ шу мазмундаги саволлар билан вилоят ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Динора ЯКУБОВАга мурожаат қилди.



– Бу саволлар жавоби баъзан кишини ўйлатириб қўяди, – дейди Д. Якубова. – Бойси, ота-боболаримиз қоралаб келган, бутун бир рўзгорни боши берк қўчага киритиб қўядиган оилавий ажралишлар миқёси ка-майтимаётгани ташвишланарди-да. Масалан, 800 минг-дан зиёд оила истиқомат қилаётган вилоятимизда ўтган йили 4395 та ажримлар қайд этилди. Ажралиш-ларни таҳлил қилдик, бундай ҳолат 45-55 ёшли жуфт-ликлар орасида анча кўп экан. Чуқурроқ ўргансангиз ўртага бетона аёл аралашган, рафикаси, фарзандлари-дан воз кечиб, бошқа инсон билан шаръий никоҳдан ўтган эркак аввалги никоҳини бекор қилишга ариза берган. Ёки 30 ёшгача бўлган эр-хотиндан иборат 1039 оила расмий равишда таназзулга учради. Ваҳоланки, уларнинг биргаликда яшаётганига унча кўп бўлмаган, ҳали хонадон юқини елкасига олиб улгурмаган эди.

Ўрганишларга қараганда, оила дарз кетиши билан боғлиқ ҳолатлар иддизи баъзи ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёр эмаслиги, спиртли ичимликлар ва тийхванд моддалар истеъмоли, аёлига нисбатан таъйиқ ва зўравонлик, молиявий ва моддий қийинчиликлар, фарзандсизлик, хорикта чиқиб кетиб узоқ юриш, хиёнат сингари кўринишларга бориб тақалади. Ми-сол учун, бултур рўйхатга олинган ажримлар ораси-да эркак ишлаш учун хорикта чиқиб кетган ва узоқ муддат қайтмаганлиги боис ажралишга бориб етган 1004 оила бор. Хонадон бошлиғи ёки учин-чи шахснинг зўравонлиги билан 26 та оиланинг

Мамлакатимизда кўп хонадонли уй-жойларни бошқариш тизими тақомиллаштирилиб, ундан самарали фойдаланиш ва уни таъмирлаш, уларга туташ ер участкасини ободонлаштириш ишлари илчил амалга оширилган. Шундай мақсадли лойиҳа доирасида вилоятимизда ҳам уй-жойлар жойлашган ҳудудлар очик танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктирилди. Туну-қун фаолият юритадиган диспетчерлик ва авария вазиятларини бартараф этиш хизмати ташкил этилди. 2022-2023 йилларда уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича режалар белгиланди. Муҳбиримиз вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи Дилшод МИРХАНОВ билан ўтган даврда бажарилган ишлар юзасидан суҳбатлашди.

БУНЁДҚОРЛИК

СИФАТ ВА КЎРКАМЛИК – БОШ МЕЗОН

– Дилшод Абдуллаевич, соҳада ўтказилаётган иш-хўрақларнинг моҳияти нимада?

– Энг аввало, барча жараёнлар очиклик асосида ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Маълумки, кўп хонадонли уйларда ўзбошимчилик билан қайта қуриш ишлари ва уларнинг атрофида эса ноконуний қуриламаларни барпо этиш ҳолатлари бирмунча кўпайиб бораётган. Прези-дентимизнинг 2021 йил 19 июндаги «Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ана шундай иллат-ларга барҳам беришда муҳим дастури-ламал бўлди. Яхлитлаб ифодалаганда, шаффофлик тамойили асосида тан-ланган бошқарувчилар бир йилда бир марта кўп квартирали уй-жойлардаги таянч ва тўсиқ конструкциялар (уму-мий мол-мулк) бутлигини хатловдан ўтказида ҳамда Уй-жой фонди ин-спекциясига маълумот киритиб бори-ши белгилаб қўйилди. Хар ярим йилда мажбурий бадалларнинг тулуғи уй-жойни бошқариш бўйича харажатлар тўғрисида мулкдорларга ҳисобот бериб боради. Уй-жойга туташ ҳудудларда янги объектларни қуриш учун уй-жой мулкдорлари ёки улар вакилларининг 80 фоиздан кўпроги овоз бериши ке-рак.

Уй-жой фонди инспекцияси мулк-дор томонидан олиб борилаётган қайта қуриш ва қайта режалаштириш иш-лари ҳолатини назорат қилиш мақсадида, ушбу уй-жой мулкдорлари ёки бошқарувчилардан келиб тушган му-

рожаатга асосан мазкур ишларни олиб бораётган мулкдорни олдиндан хабар-дор қилган ҳолда, унга мулк ҳуқуқи асо-сида тегишли бўлган турар ёки нотурар жойга бошқарувчи билан бирга кириш ваколатига эга. Қолаверса, қурилиш (реконструкция) лойиҳасидан четта чиқиш ҳолатлари бўйича аниқланган камчиликлар ёки ушбу объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараё-нида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан айбдор шахслар ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга доимий равишда тақдим этиб боради.

– Қурилишда, таъмирлаш ишларида пудратчиларни аниқлаш тартибига изоҳ берсангиз?

– 2023 йилда таъмирлаш бўйича 13 та ва ободонлаштириш ишлари учун 14 та уй-жойнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, булар қаторига Поп туманида 1 та, қолган барча ҳудудларда 2 тадан объект киритилган. Ушбу иш-ларни амалга оширилиши юзасидан буюртмачи этиб вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси белгиланган. Ажратилган 3176,7 миллион сўм маблағ ҳисобига 51 та кўп қаватли уй-жой му-камал ва жорий таъмирланди.

Лойиҳачи ва пудратчи қурилиш ташкилотларини аниқлаш учун tender.ms.uz портали орқали эълон берилиб, голиблар аниқланди. Объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, ижобий экспертиза ҳулосалари олинди.

Шу асосида қурилиш-таъмирлаш иш-лари олиб борилди.

Манзилли рўйхатдаги барча уй-жойларда мукамал ва жорий таъмир-лаш ишлари якунланиб, белгиланган тартибда фойдаланишга топшириш ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилиб, ишлар якунланди.

– Аниқ мисолларни келтириб ўтсангиз?

– Янги Наманган шаҳарчасининг 2-босқичи барпо этилиши бош ре-жага мувофиқ 54 та лотга ажратилиб, ер майдонлари «E-auction.uz» савдо электрон платформаси орқали савдога чиқарилиди. 12 та лотдан 33 та турар-жой биноси ҳамда 2 та олий таълим муас-саси савдога чиқарилиб, хорикий ва маҳаллий тадбиркорлар голиб деб топилди. Масалан: «Hua cheng estate development» МЧЖ ХК (17 та турар-жой объект); «Статус Бест Строй» МЧЖ (2 та турар-жой); «New City New Home» МЧЖ (1 та турар-жой); «Жаҳон қурилиш таъмирлаш» ХК (1 та турар-жой); «Оромгоҳ қурилиш сервис» МЧЖ (1 та турар-жой); «Сардорбек Арслон-бек» МЧЖ (1 та турар-жой); «Mega Aziza Dizayn Stroy» МЧЖ (1 та турар-жой) ва «Ровустон Бетон» МЧЖ (3 та турар-жой) «New standart alpha group» МЧЖ (6 та турар-жой) ҳамда «ЕОДЖУ» универси-тети (олий таълим муассасаси)ни қуриш ҳуқуқини қўлга киритди. Бутунни қўнда мазкур ташкилотлар қурилиш жараё-нининг турли босқичларида – кон-тейнерларни келтириш, ер текис-лаш, пойдеворни қозиш, арматура

Тадбир аҳамияти

Халқаро тажрибага асосан, аҳоли сони бўйича аниқ ва аҳоли маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади. Ушбу тадбир якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни режалаштириш мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири иқтисодий жиҳатдан бизга нима беради?

Биринчидан, аҳоли сони, ёш таркиби, жинси, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар сони, аҳоли яшаш шароитлари ва умумий демо-график кўрсаткичларга аниқлик киритилади.

Иккинчидан, респу-блика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва бо-лалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот манбаи сифатида хизмат қилади.

Учинчидан, аҳоли пункт-ларининг инфратузилмасини ях-шилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ му-ддатли дастурларни ишлаб чиқишда ишлатилади.

Ўзбекистон Республика-сида аҳолини рўйхатга олиш-ни ўтказиш концепциясига мувофиқ, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг ҳужжатларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ белги-ланган тадбирларни амалга ошириш учун қўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига молиялашти-рилади. Молиялаштириш учун зарур маблағлар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти ҳузуридаги статистика агентлиги, Иқтисодий ва Молия вазирлиги ва бошқа масъул идо-ралар ҳисоб-китоблари асосида, шунингдек, тендер савдолари ва тендер ҳужжатларини расмий-лаштириш натижалари бўйича аниқланади.

Давлатобод тумани
статистика бўлими.

Воз кечиш шунчалар осонми?

1 ҳаётига путур етган. Ўртадаги низо, хиёнат ту-
файли баъзи жуфтликлар умри фожиа билан
тутаяпти. Учқўрғон туманида истиқомат қилиб
келган Дилбар Бүрибоева оиласидаги келиш-
мовчиликлар оқибатида 60 ёшли бу аёلнинг умри
ачинарли ўлими билан якун топди. Чортоқ туманида
эса 1963 йилда тузилган Зокиржон Қосимов қотиллик
қурбонига айланди. У шаръий никоҳда яшagan хоти-
ни Икбoл Алихoнoвa томонидан шaфкaтcизлaрчa
ўлдирди.

Шу ўринда тазйик ва зўравонликка учраётган
аёлларга химоя ордери тақдим қилиш орқали улар
ҳаётини изга солиш ҳаракати самара бераётганини
таъкидлаш ўринли. Бултур турмуш ўртоғи, қайнонaси
ёки бошқa учинчи шахcнинг жaбр-зудлигa йўлиққан
хотин-қизларнинг 1804 нафари шу имкониятдан фой-
далaнди. Улар оилaси ҳуқуқ идорaлaри, хотин-қизлар
тизими ва маҳaллa фукaролар ййинини томонидан
қaтғий нaзорaтгa oлиннib, ҳар бири билан aлоҳида иш
oлиб бoрилди. Кўп бoрa ўтқaзилган сўҳбaт ва тушун-
тиришлар нaтижaсидa ажрaлиш aрaфaсидa тургaн 856
тa oилa ярaштирилди, 882 тaсидa низолар бaртaрaф
қилинди. 18 тaсигa тaқрoрий химоя oрдeри берилди.
Афсуски, шундaй oрдeри бўлган 12 тa oилaни сaқлaб
қoлишнинг илoжи бўлмaди.

Жамиятимизга ёт бўлган қўшхотинлик иллати
қўллаб оилалар парокандалигига сабаб бўлаётгани
ҳам бор гап. Ҳаётий кузатишлар одатда пули қўпайиб,
босар – тусарини билмай қолган айрим эркаклар бу
йўлда қўркмасдан қадам ташлаётганини қўрсатади.
Айни тоифадагиларнинг қўзига узoқ йил умргузарон-
лик қилган на аёли, на фарзандлари қўринади. Ачи-
нарли томони, уларнинг ақсариятига қонун доирасида
қaтғий чoрaлар қўрилмаётганлиги «янги ёр»ни орзула-
ганларга йўл очаяпти. Вилоятимизда ўтган йили 1815 та
oилa шаръий никоҳ aсoсидa яшaётганлиги aниқлaнди.
Гaрчи, бу 2022 йилдaгидан 270 тa кам бўлсада, бaрчa-
мизни бирдaй тaшвишлaш cолиши кeрaк. Шaҳар ва ту-
мaнлардaги «Оқилa aёллар» ҳaрaкaти, имом-хaтиблар,
aдлия бўлимлaри, маҳaллa фукaролар ййинлaридаги
хотин-қизлар фaоли, oилaвий қaдрийaтлар комиссия-
ларининг мaзкур йўнaлишдaги ишлaри нeгa қутилган
нaтижaни бeрмaяпти? Гaп – кўп, aмaлий иш – oз. Oилa
мустaҳкaмлигигa рeaл хaвф cолaётган иллатгa қaрши
кeскин кураш тaртибигa ўтиб, қучлaрни бирлaштир-
мас экaнмиз, сaдоқaтли oилa бeкaлaри, фaрзaндлар-
нинг жaбр қўрилиш билан бoғлиқ фaктлар дaвом этa-
вeрaди.

Нима қилмоқ керак? Аввало, оилавий ажрaлиш-
ларгa сaбaб бўлaётган ҳар қaндaй қўрилишгa нисбaтан
жaмoaтчиликнинг доимий нaзорaтини ўрнaтайлик.
Чунки, хoнaдoндaги жaнжaл, тaзйик ва зўрaвонлик,
қўшхотинлик ва бошқa қўрилишлар маҳaллa-қўй,
қaриндош-уруғлар қўз oлдидa cодир бўлaяпти-ю.
Амaлдa «Кe қўй, бирoвнинг oилaвий ишшa aрaлaш-
мaй», - дeя ўзимизни чeтгa oлaётганимиз тeскaри нa-
тижa бeрaётганини қўриб турибмиз. Oилa вa никоҳ
мустaҳкaмлигигa мaсвул идoрaлар энди бeлгилaн-
ган қoнун-қoидaлар ижрoсидa қaтғий турмaсaлар
бўлмaйди. Шу ўриндa ишлaримиз нaтижaдорлигини
тaъминлaш бўйичa бир нeчa мuloҳaзa. Oилa вa никоҳ
мукaддacлиги тaриғибoтини ёшлар ўртaсидa изчи-
либ бoриш, бундa умумтaълим мaктaблaридa aмa-
лий ишгa ўтиш, яъни, юкoри cинф ўқувчилaри учун
oилa пcиxoлoгияcи, тиббий мaдaнийaт, cоғлoм турмуш
тaрзидан иборaт ёшлaрни мустaқил ҳaётгa тaйёрлaш
мaжбурий дaстурини мaшғулoтлар қaтoригa кири-
тиш кeрaк. Шaҳар вa тумaнлардaги ёшлaрни oилa-
вий ҳaётгa тaйёрлaш мaркaзлaри фaолиятини қaйтa
қўриб чиқиб, йилит-қизларни улар ўқувигa жaлб
ётиш мaсвудиятини ФХДЁлар зиммaсигa ўтқaзмaсa
бўлмaйди. Ушбу йўл билан ўқув cертификaтигa эгa
бўлган ёшлaрнинг никoҳни рaсмийлaштирa oлишлaри
тaлaби кун тaртибидан қaтғий ўрин oлaди. Бундан
тaшқaри, вилoяtdaги бaрчa умумтaълим мaктaблaри-
дa юкoри cинф ўқувчилaри учун ҳaфтaдa бир мaртa
45 дaқиқaлик мaвзутa oид мaънaвий cоaти ўтқaзишнинг
йўлдa қўйиш ҳaм яхши нaф бeрaди, дeб ўйлаймaн.
Мaшғулoтгa oлимa, oқилa, рaҳбaр aёллар, пcиxoлoг,
ҳуқуқшунoc, диний уламoлар, нурoний вa шифoқop-
лар жaлб eтилac, ёшлар мустaҳкaм oилa бoрaсидa зa-
рур caбoқлaрини oлaдилар.

1 тўкиш ва бетон қуйиш ҳамда
зарур материаллар захираси-
ни жамлаш каби юмушларни
давом эттирмоқда. Шунингдек,
9 қаватли объектнинг 5-, 6-қаватини
қураётганлари ва подвал қисmini изо-
ляция қилаётганлари ҳам бор.

Давлатобод туманидаги «Янги
Ўзбекистон боғи»да ободонлашти-
риш, тапши коммуникация, йўл, стел-
ла, амфитеатр, спорт майдонлари, 5
та кафе-ресторан ва миллий ўйинлар
майдонларини ташкил этиш юзасидан
«Капитал қурилиш соҳасида буюртма-
чи хизмати» ДУК буюртмачилигида ар-
хитектура режалаштириш топширини
(АРТ) ишлаб чиқилди.

2022 йил 23 июлда электрон тен-
дер орқали умумий 89,6 балл билан
лойиҳачи «Ултра групт» МЧЖ 3 мил-
лиард 273 миллион сўмга голиб деб
топилиб, голиблик баённомаси рас-
мийлаштирилди ва голиб томонидан
68 тектарда «Янги Ўзбекистон боғи»ни
қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари иш-
лаб чиқилди.

Мазкур масала бўйича 2023 йил-
нинг 23 сентябрь кунги вилоят ҳоқими
хузурида Туркиянинг «Outdoor Factory»
лойиҳа компанияси менежерлари
Ҳакан Бесселиюлу ва Хусейин Авни
Гучуларни ҳамда видеоалоқа шакилда
ширкат дизайнер-меъмори Синан Ту-
раман боғ марказида қад ростлайдиган
стелла лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

Лойиҳада сунъий кўл, фавворалар,
2500 ўринли амфитеатр, автотураргоҳ,
савдо шохобчалари, боалар боғчаси,
шунингдек, кўплаб инфратузилма
иншоотлари барпо этилиши режа-
лаштирилган бўлиб, лойиҳа-смета
ҳужжатлари 3 босқичда ишлаб
чиқилди.

– Кенг кўламда ва босқичма-
босқичли мазкур лойиҳалар
ғолиблари номини келтириб
ўтсангиз?

– 1-босқичда Ер ишларини бажариш
ва амфитеатр бино-иншоотини
қуриш режалаштирилган. Пудрат
ташкilotини аниқлашга 2023 йил 10
апрелда электрон платформа орқали
эълон берилган, ammo қурилиш пудрат
ташкilotи қaтнaшмaгaнлиги сaбaб-
ли рeтeндeр бўлгaн. 2023 йил 5 мaйдa
қaйтa тендeр сaвдoлaри ўтқaзилди вa
24 мaйдa 13 миллиaрд 155,4 милли-
он сўм тaқдифи билaн, «Kелajаk zаmоn
sаrdоrи» МЧЖ голиб деб топилади.

2-босқичда тaшқи, ички ичимлик вa
оқaвa сув тaрмоқларини тoртиш иш-
лaри, ҳудуддaги пидeдaлар йўлaлaри
ҳaмдa қўқaлaмзoрлaштириш мaйдон-
ларини сугoриш тизими, мухaндислик
тaрмоқлaри лoйиҳаси тўлиқ ишлaб
чиқилди.

Пудрат тaшкilotини аниқлaшгa

СИФАТ ВА КЎРКАМЛИК – БОШ МЕЗОН



2023 йил 4 декабрда электрон платфор-
ма орқали эълон берилиб, 2023 йил 21
декабрда 37 миллиард 212,9 миллион
сўм тақлифи билан, «Обиджон Акмал-
хон ҳамкор» МЧЖ голиб бўлди.

3-босқичда боғ атрофидаги автомо-
биль йўллари лойиҳалари (2,2 кило-
метр) ва «сунъий кўл хавзаси» билан
бирга футбол, баскетбол ва теннис май-
донлари, кийим алмаштириш хонала-
ри, киоскалар ҳамда санитария-гиги-
ена хоналари қурилиши учун лойиҳа
смета-ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

2023 йил 27 ноябрда электрон плат-
форма орқали берилган эълон орқали
2023 йил 13 декабрда 40 миллиард 297,7
миллион сўм тақлифи билан, «Бунёд-
кор Мубошeр» МЧЖ голиб деб топи-
лди.

Умумий тендер якунларига кўра, 1,
2 ва 3-босқичлардаги бунёдкорлик иш-
ларига жами 90 миллиард 666 миллион
сўм пул маблағлари сарфланади.

1-босқични бош пудратчиси «Ке-
лажак замон сардори» МЧЖ томо-
нидан объектда лойиҳачи натурга
қўчириш, ГАШК/ЛИТИ томонидан че-
гара қозиклари қоқилиб, амфитеатр
биносида ер, фундамент ва монолит
колонналарга армокаркас тайёрланиб,
бетон қуйиш ишлари 100 фоизга, моно-
лит ости балкалари 90 фоизга, ораён-
ма ништ териш ишлари, ўриндик ости
монолит қуйиш ишлари, сантехника,
канализация ишлари 100 фоизга, ённин
хавфсизлиги тизими тармоқлари 100
фоизга, 5 та блокдан 5 та блокнинг ички
хоналарида бетон қуйиш ишлари 100
фоизга бажарилди. Умумий бажарил-
ган қурилиш-монтаж ишлари қиймати
10 миллиард сўмини ташкил этиб, 7,5
миллиард сўм маблағ молиялаштири-
ли берилди.

– Аҳолини уй-жой билан
таъминлаш дастурийнинг ижроси
талаб даражасидами?

– Бу борада 2023 йил 13 апрелда
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«2023 йилда бозор тамойилларига
асосланган ипотека кредитлари орқали
аҳолини уй-жой билан таъминлаш
дастурини амалга ошириш чора-тад-
бирлари тўғрисида»ги Фармони эълон
қилинди. Шунга мувофиқ, ипотека дас-
тури доирасида аҳолини уй-жой билан
таъминлаш мақсадида 25 та массивда
77 та (3574 та хонадонли) кўп қаватли
уй қурилади ва уй-жой шароитини
яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни
давлат томонидан манзили қўллаб-
қувватлаш давом эттирилади. Поп ва
Чуст туманларидаги «Янги Ўзбекистон»
массивларида 30 та (600 та хонадон-
ли) ҳамда шаҳар, туманларда хусусий
тадбиркорлар томонидан 47 та (2974 та
хонадонли) кўп қаватли уй қурилиб,
фойдаланишга топширилди. Бошқача
айтганда, 2023 йил уй-жой қуриш да-
стури доирасидаги кўп қаватли уйлaр-
ни қуриш режаси тўлиқ бажарилди.

– Маҳаллаларда ижтимоий
ва ишлаб чиқариш
инфратузилмаларини янада
ривожлантириш аҳоли турмуш
даражасини оширишга хизмат
қилади. Бу борада ҳисобот даврида
қандай ишлар амалга оширилди?

– Президентимизнинг 2022 йил 30
декабрдаги қарори ижроси асоси-
да 2023 йил дастури бўйича вилоят-
да қуриладиган объектлар рўйхати
шакллантирилди ва тегишли вазир-
лик ва идоралар билан келишилган
ҳолда тасдиқланди. Шунга биноан 16
та умумтаълим мактаби, 13 та мактаб-
гача таълим муассасаси, 9 та соғлиқни
сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассаса,
1 та олий таълим, 17 та ичимлик суви
таъминоти ва оқава сув, 1 та иссиқлик
таъминоти, 10 та ирригация ва ме-
лиорация тармоқлари ҳамда бошқа
йўналишдаги 12 та объект бўйича
лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрла-
ниб, ижобий экспертиза ҳуосалари
олинди. Ушбу лойиҳаларни амалга
оширишда пудратчиларни аниқлаш
бўйича белгиланган тартиб асосида
тендер тадбирлари амалга оширилиб,
қурувчи-пудратчилар аниқланди ҳамда
улар билан шартномалар расмийлаш-
тирилди.

Кейинги йилга ўтувчи 10 та объект-

дан ташқари, таъкидлаб ўтилган барча
қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб,
объектлар фойдаланишга топширил-
ди.

– 2024 йил режалари қандай?

– Албатта. «Ўзбекистон - 2030» стра-
тегиясида белгиланган вазифаларни
ҳаётга татбиқ этиш 2024 йилда ҳам
жадал давом эттирилади. 2023 йил 25
декабрда айнан шу мақсадда Президен-
тимиз «2024-2026 йилларда Ўзбекистон
Республикасининг ижтимоий ва иш-
лаб чиқариш инфратузилмасини
ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги қарор имзоланди. Маз-
кур ҳужжатга мувофиқ, вилоятимизда
жами 828,9 миллиард сўмлик 119 та
объектда қурилиш-таъмирлаш иш-
лари амалга оширилади. Мазкур объ-
ектларнинг 23 таси янги қурилади, 87
таси реконструкция қилинади ва 9 таси
мукаммал таъмирланади. Шулардан
айримларини таъбирлайдиган бўлсак,
95 таси янгидан бошланувчи, 24 таси эса
йилдан-йилга ўтувчи объектлардир.

Чуст туманидаги «Наманган» ЭИЗ
Сабзозор массиви ҳудудида ички
йўлларни қуриш, Тўрақўрғон тума-
нидаги «Наманган» ЭИЗ Ибрат массиви
ҳудудида ички йўлларни, оқава сув
тармоқларини қуриш ва Поп тумани
Сирдарё, Чодак-1 ва Чодак-2 насос
станцияларини реконструкция қилиш,
Хонарик каналнинг «ТК-14+00» дан
«ТК32+00»гача қисмини, Катта На-
манган туманлараро каналини рекон-
струкция қилиш ҳамда Чуст тумани-
даги «Наманган» ЭИЗ ҳудудида Поп
темирйўл станциясигача 12 километр
темирйўл тармонини қуриш каби объ-
ектлар шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида шунли алоҳида таъ-
кидлаш ўринлики, қурилаётган бино-
иншоотлар, инфратузилма объекtlари
ва таъмирлаш ишлари замон талаби
даражасида сифатли, қўрқам ҳамда
мустаҳкам бўлиши зарурлигига асосий
эътибор қаратилади. Бeрo бу oмил фa-
oлиятимизнинг муҳим шиoрларидан-
дир.

– Мазмунли суҳбатингиз учун
ташаккур.

Муҳиддин МАҒЗУМОВ
суҳбатлашди.

Тадбиркорлар билан учрашув

Хусниддин АҲМЕДОВ,
Бизнес-Омбудсман девони вилоят бош инспектори.

Тадбиркорликни
ривожлантиришда
ишбилармоннинг
ҳаракати билан иш
битмайди. Бунда
албатта давлатнинг
ўрни ва роли бўлиши
керак. Тадбиркордан
ҳаракат, давлатдан
эса қўллаб-қувватлаш
бўлсагина бу
соҳадаги муаммолар
ўз ечимини топади.

Хабарингиз
бор, давлатимиз

раҳбарининг «Тад-
биркорлик соҳасидаги
мажбурий талабларни
қисқартириш ҳамда
лицензиялаш ва рухсат
бериш тартиб-таоми-
ларини соддалашти-
риш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги Фармо-
ни ҳамда «Тадбир-
корлик субъектлари
томонидан давлат
органларига ҳисобот
ва статистик маълу-
мотларни тақдим
этиш жараёнларини

янада соддалашти-
риш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги қарори
мазмун-моҳияти юза-
сидан Бизнес-Омбуд-
сман вилоят вакилла-
ри томонидан тадбиркор-
ларга тушунтириш-
тартибот тадбирлари
амалга оширилмоқда.
Мутахассислар то-
монидан ўтказилаётган
тадбирларда ишби-
лармон соҳа вакилла-
рини ҳар томонлама
қўллаб-қувватлашга

хизмат қилувчи фар-
мон ва қарор юзасидан
содда ва халқчил ту-
шунтирилаётгани тад-
биркорларда ортиқча
саволларга ҳоҳат
қолдирмапти.
Мазкур учрашувлар-
да ҳозиргача 10 туман
(шаҳар)да фармон ва
қарор мазмун-моҳияти
ва қонунчиликдаги ян-
гиликлар тушунтирил-
ди. Унда 200 дан ортиқ
тадбиркорлик субъект-
лари иштирок этди.

Тадбирда ишти-
рок этган «Мададкор
таъминот» хусусий
корхонаси раҳбари
Баҳодир Асадов тад-
биркорларга бери-
лаётган қулайликлар
ҳақида батафсил ту-
шунтиришлар олган-
лигини, қарорга асосан
тадбиркорлардан оли-
надиган ҳисобот ва ста-
тистик маълумотлар
қисқартирилганлиги
ва қатор енгилликлар
берилаётганлигидан
хурсанд эканлигини
билдирди.
Бу каби учрашув
ва мулоқотлар ви-
лоятимизнинг барча
ҳудудларида ўтказиш
белгиланган.

«O‘ZELEKTROTERM»
AKSIYADORLIK
JAMIYATI
AKSIYADORLARI
DIQQATIGA!

« O ` z E l e k t r o t e r m »
aksiyadorlik jamiyati
aksiyadorlarining navbatdan
tashqari umumiy yig'ilish
2024-yil, 29-fevral kuni soat
14.30 da, Namangan shahar,
8-mart ko'chasi, 3-uyda
joylashgan «O`ZElektroterm»
A.J.ning ma'muriy binosida
o'tkaziladi. Aksiyadorlarni
ro'yxatga olish 14.00 da
boshlanadi.

Jamiyat aksiyadorlarining
navbatdan tashqari umumiy
yig'ilishida qatnashish uchun
2024-yil 23-fevral holatiga
tuziladi.

Kun tartibidagi masalalar:

1. «O`zElektroterm»
mas'uliyati cheklangan
jamiyatini ta'sis etish;
2. O'tkazish
dalolatnomasini tasdiqlash;
3. «O`zElektroterm»
MChJ ustav fondi miqdori,
uning ishtirokchilari tarkibi
va ustav fondidagi ulushlari
nisbatini tasdiqlash;
4. «O`zElektroterm» MChJ
ta'sis hujjatlarini tasdiqlash;
5. «O`zElektroterm»
MChJ rahbarini tayinlash
(saylash);
6. «O`zElektroterm»
MChJ muhr va shtamp
eskizini tasdiqlash.
7. «O`zElektroterm»
aksiyadorlik jamiyatining
qimmatli qog'ozlar
chiqarilishlarini YaDRdan
chiqarish.

Yig'ilishda ishtirok etish
hуquqiga ega aksiyadorlar
o'zlar bilan shaxsini
tasdiqlovchi hujjat, jismoniy
shaxs aksiyadorning vakili
esa shaxsini tasdiqlovchi
hujjat va notarial tartibda
tasdiqlangan ishonchnoma
bilan kelishlari shart.

Umumiy yig'ilishga oild
qo'shimcha ma'lumotlar olish
uchun Namangan shahar,
8-mart ko'chasi, 3-uyda
joylashgan jamiyat bosh
ofisi binosidagi qimmatli
qog'ozlar bo'limiga murojaat
qilishlaringiz mumkin.
Telefon: (88) 688-88-33.

ФВБ ОГОХПАНТИРАДИ

Ўтган йили содир бўлган ёнгинлар сабаби ўрганилганда, уларнинг
49,1 фоизи электр ускуналари, 17,1 фоизи эса иситиш печаларидан
фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаганлик
натижасида келиб чиққани маълум бўлди.

Шу ўринда савол келиб чиқади: хўш, ёнгин келиб чиқмаслиги учун нима
қилиш керак?

Хавфсизлик ўз қўлингизда

Дипмурод АБДУРАҲМОНОВ,
вилоят ФВБ ҲФХУМ катта ўқитувчиси.

Биринчи навбатда, иситиш
печи қурилишида лицензияси ва
гувоҳномаси бор, ҳақиқий мутахассис
ташкilotини жалб қилиш керак;
– иситиш печи дудбурони
чиқарилган жой сингли уйлarda ёғоч
тўсинга қадар қамида 38, шифоҳона,
мактаб ва мактабгача таълим муассаса-
ларида эса 52 см. оралик қолиши керак;
– хонадонга чўяндан ясалган исити-
тиш печи (буржуйка) ўрнатилган
тақдирда иситиш печи дудбурони
ёнувчи қурилмаларга тегмай туриши
лозим;

– дудбуроннинг чиқиш томони
ҳар доим фақат юқорига қаратилган
бўлиши шарт;

– иситиш печининг остига
чўғалардан химоя қилиш учун 50x70
см. ўлчамдаги тунука ёки темир лист
қўйиш лoзим.

Электр ускуналаридан фойдала-
нишда қуйидагиларга қaтғий aмaл
қилин!

– монтаж ишларини фақат лицен-
зияси ва гувоҳномаси бўлган тaшқи-
лотта ишoниб топишинг;
– монтаж даврида тармоқни яшаш
хонадонингизга кириш жойидан бош-
лаб химояланг; бу жараёнда фақатгина
бир турдаги электр симидан фойдала-
нинг;

– носоз ва хавфсизлик талабларига
жавоб бeрмaйдиган электр асбoбларидан
фойдаланманг;

– электр ускуналарини нaзорaтcиз
қoлдирманг;

– уйдан чиқипшдан oлдин бaрчa
электр ускуналарини ўчиришни унут-
манг;

– ҳар бeш йилдa бир мaртa электр
тармонининг қaришлaккa чидамли-
лик дaрaжасини мутахассис томони-
дан текширтириб туринг.

Отоҳ бўлинг, ўзингиз ва
яқинларингиз ҳаётини хавф остида
қoлдирманг!



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил
27 декабрдаги «Ўзгалар
парваришига муҳтож кексалар
ва ногиронлиги бўлган
шахсларга ижтимоий хизмат
ва ёрдам кўрсатиш тизимини
тақомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги
қарорига кўра, муҳтожлар
қўйидаги тартибда
аниқланади:

Тафаккур

Яхши сўзга ким масту беҳуш бўлса, шарбат ичида заҳарни тотли қилади. Алишер Навоий.

БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

Беихтиёр этти фироқ

Фаридахон **КАРИМОВА**,
филология фанлари доктори.

Маълумки, шоир ғазалиёти мавзу доирасининг кенглиги ва ранг-баранглиги билан илм аҳлини ҳайратга солиб келади. Хусусан, шоир девонларида ёрдан айрилиқ, яъни фироқ мавзусидаги ғазаллар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги 315-ғазал ҳам фироқ мавзусида битилган. Шоир девонларида бу мавзуда ёзилган шеърлар талайгина.

Хусусан, девондаги 314-ғазал ҳам шу мавзуда. Ҳатто иккала ғазалда ҳам фироқ сўзи радиф сифатида қўлланган. Бунинг сабаби шундаки, шоир бир ғазал доирасига сизмаган фикрларини ёки кўнгли тулмаган жихатларини янги бир ғазалда вазн, услуб, кофия ва радифини сақлаган ҳолда давом эттиради. Баъзан бундай ғазалларда айрим мисра ва байтлар такрорини ҳам кузатиш мумкин. Лекин улар шоир ғазалиётининг ўзига хос намуналари ҳисобланади.

Кон ёшим сариг юз ўзра
ошикор этти фироқ,
Заъфаронзоримни галдин
лолазор этти фироқ.

Ғазалнинг биринчи байтидаюқ айрилиқ туфайли азоб чекаётган ошиқнинг ички кечинмалари тасвири бошланади. Ёр фироқдан ошиқнинг юзи сарғайиб кетган, бағри қон, шу боис унинг қўлларидан қонли (қизил тусли) ёшлар оқмоқда. Фироқ заъфарон бўлган (сарғайган) ошиқнинг юзини ҳам билан лозорга айлантирган.

То фироқ уйига кирдим,
ваҳки, ашқимдин эди,
Гарчи юз гавҳар, аёғимга
нисор этти фироқ.

Фироқ уйига кирган, ошиқнинг гавҳар янглиг кўз ёшлари оёғи остига сочилиши кўз ўнгимизда гўзал лавҳани намойён қилади. Бунда ошиқнинг беҳисоб кўз ёшлари юзлаб гавҳар доналарига ўхшатишган. Бу орқали шоир ошиқнинг айрилиқ чоғидаги изтиробларини ёрқин тасвирлай олган.

Дам-бадам оҳим чекар
сабр ила тоқатни ақл
Ихтиёр этти, вале
беихтиёр этти фироқ.

Ошиқ ҳижрон азобида дам-бадам ох тортаман, ақлим ох чекмаслик чораси сифатида сабр-тоқат қилмоқчи маъқул кўради, лекин бунга фироқ рад этди, дейди. Яъни, ёрдан айри ошиқнинг нола-ю афғон чекмаслигининг имкони йўқ.

Жон талашур элни марг
андоқки айлар музтариб
Лабларинг истар кўнгулани
беқарор этти фироқ.

Жон талашаётган одам ўлим олдига изтироб чекиши, қийналиши ҳаётини ҳолат. Бу маъшуканинг лаблари иштиёқдаги ошиқ кўнглининг фироқ туфайли изтироб чекишига тасмил қилинган.

Доб эдук шир андиқидин
хар дам афғон қилмади,
Ваҳки, бу дивовда бизни
шармисор этти фироқ.

Маъшуканинг висолига етиш ошиқнинг етиб бўлмас орузи, шу боис у кеча-ю кундуз айрилиқ шомиди ўртанади. «Ишқ андуҳидан хар дам нола чекмайман», дея қарор қилган ошиқни «фироқ юз бор шармисор қилади», яъни ошиқнинг ҳижрон йўлидаги изтиробларининг ниҳояси йўқ.

Кет фараҳқим, гални, меҳнат
тошин олиб, кўнгулма
Юз туман мисмор бирла
устувор этти фироқ.

Айрилиқ изтироблари туфайли ошиқнинг кўнлида шодликка ўрин йўқ, чунки фироқ «меҳнат тоши» билан «юз туман ғамни унинг кўнлига қозиқ қилиб қоқиб қўйган.

Эй Навоий, васл аро
бўлгайки, боқиб қулгамен
Догларниким кўнгулда
ёдор этти фироқ.

Навоийнинг лирик қаҳрамони шунча изтиробларга қарамай кўтаринки кайфиятда. Чунки ҳақиқий ошиқ фироқ ниҳоясида, албатта, висолга эришпади. Шунда фироқ туфайли чекилган изтироблардан тутилган жароҳатлар унда ёқимли ҳиссиёт уйғотади.

Демангиз нетти фироқ
охирки бўлдуғ душмани,
Мангъи васли хурави
Жамиқтидор этти фироқ.

Якуний байтнинг мазмунини шундай: Фироқ охир-оқибат сenga нима ёмонлик қилдики, сен унинг душманига айландинг? – деб айтманг, фироқ мени Жамшид каби қудратли шохнинг васлидан жудо этди.

Иккинчи мисрадаги Жамиқтидор қўшиб ёзилади ва Жамшидай қудратли маъносини билдиради. Бу ерда Хусайн Бойқаро кўзда тутилмоқда. Бизнингча, бу ғазал Навоийнинг Бойқаро билан бир мuddат муносабатлари бўзилган пайтда ёки ундан узокка тушганда ёзилган.

Маълумки, Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасида вақт-вақти билан айрим келишмовчиликлар, ихтилофлар бўлиб турган. Бу, албатта, Хусайн Бойқаронинг биринчи ғалда замона ҳукмдори эканлиги, шунингдек, улар яшаб турган давр зиддиятлари билан изоҳланади. Шубоис Алишер Навоий шох ҳузурда қанчалик ҳурмат-эътибор қозонган бўлмасин, саройда ҳамisha эътиёткорлик чораларини кўришга, одоб сақлашга мажбур эди.



Туюқ тузмоқ ҳадиси

Шамсия **ЭГАМБЕРДИЕВА**,
Наманган Давлат педагогика институти тилларни ўқитиш кафедраси ўқитувчиси.

Ўзбек мумтоз сўз санъатида ўзининг мустаҳкам тахтини барпо этган **Алишер Навоий** ижоди оламдаги барча адабиёт ва шеърят муҳиблари интилаётган буюк қоядир. Навоийни англаш, ҳис қилиш, эътироф этиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжларини англаш ва идрок этиш демакдир.

Навоий араб ва форсий тилда сўзлашувчи, ижод қилувчи кўп сонли замондошларидан фарқли ўлароқ, туркий тилининг макеини кўтариш ҳамда уни адабий тил сифатида эътироф этилишига эриштиши ўз олдига мақсад қилган.

«Хамса» ва бошқа алоҳида достонлари, ғазал ва рубоийлари тўғрисида айнан қўндалик матбуот саҳифаларида ҳам кўп ёзилади. Келинг, ҳазрат ижодидаги туюқлар ҳақида фикрлашайлик.

Навоий ўзининг туюқларида жуда кўп бадийий тасвир воситаларини қўлайди. Албатта, туюқ жанри характериға кўра, юксак шоирона савия ва сажияни талаб қилади. Заҳириддин Мухаммад Бобур Навоий фикрларига қўшимча қилиб, туюқ фольклор замирида вужудга келиб, сарой йиғинларида кўпроқ айтилганини эътироф этади.

Е қошгиндин неча бир ўқ кўз тутай,
Отки, ўптур сизаонинг кўз тутай.

Неча кўркан ўз сажавашлар қошин,
Янги ой кўрган кишидек кўз тутай.

Ишқий мазмунда битилган бу туюқда ёрнинг гўзал қоши таърифу тавсиф этилади. Ундаги таж-

нис «кўз тутмоқ» феълининг маъно товланишлариға асосланган. Биринчи мисрада шоир маъшукға: Сенинг ёйдаи қошларингдан мен томонга ўқлар отилишини интизор кутаман», дея мурожаат этган. Бу ўринда «кўз тутмоқ» йўли «қутмоқ» маъносига ишлатилган. Шу билан шоир севиклиси унга томон бир қош қоқиб қиё боқишига умидворлигини бадийий ифодалаган. Иккинчи мисрада шоир ўша фикрни мантқийи давом эттириб: «Мен кутаётган ўша ўқларни ота қолгин, унинг қаршисига кўзимни туттиб берақолай, яъни сенинг бир қош қоқиб қиё боқишини кўзларим садқа бўлсин», дея мажозий маънода илтижо этмоқда. Бунда «кўз тутай» феъли «қўзни туттиб бермоқ» маъносига қўлланган. Кейинги мисраларда: «Қанчадан-қанча гўзалаарининг қошларини кўрганимда, ҳудди янги ой кўрган кишидек, қўлмини қошим устиға қўйиб, кўзимни қўлим билан паналаб қарайман», деган мазмун мужассам. Бунда ошиқ маъшукға садоқат изхор этмоқда. Яъни: «Кўзимни бошқа ёр назаридан асрайман» демоқчи. Демак бу ўринда «кўз тутмоқ» феъли янада ўзгача маъно касб этган. Алишер Навоий туюқ жанрининг шаклий хусусиятларини сайқал топтириш билан бирга, бадийийлигини ҳам қиёмига етказган.

Хулласи қалом, Алишер Навоий мумтоз шеърятимизни жанр хусусиятларининг жилола-нишсида ҳам туюқ тузмоқ ҳадисини олган шоир сифатида ҳамон устодлик қилаётгани билан ҳам шарафлидир.



маслаҳатлар бериб исёндан қайтаради. Алишер Навоийнинг макеи ва ҳурмати қучли эдики, уни устоз билан, ҳурмат қилган Бадруззамон унинг маслаҳатларига қулоқ солади ва исёндан қайтади. 1499 йилда Марвда Хусайн Бойқаронинг яна бир ўғли Абдумухсин ота-сиз қарши бош кўтарганда, уни сулах тузишга қўндириш учун Хусайн Мирзони Хусайн Бойқаро қатл қилиши билан вазият кескинлашди.

Шундай оғир вазиятда Навоий ўртага тушиб, шахзодага

раво кўрмади. Навоий ота-уғлини келиштириб Хиротга қайтади. Хусайн Бойқаро томондан Алишер Навоийга «Мамакат устун», «Салтанат таянчи», «Давлат мададкори» сингари улғувчи сўзларни айтилиши, бежизга эмас, устоз давлатнинг тинчлиги, қуч-қудратини тасаввур этиб бўлмаган.

Даҳри дуннинг қинғир ишларидан чарчаб тоқати тоқ бўлган вазира Хусайн Бойқародан Хиротдаги Хўжа Абдулла Ансорий хонақоҳига жорубоқаш (супрувчи) қилиб тайинлашни сўрайди.

Хондамирнинг ёзишча Навоий зилзила бўлиб, буткул вайрон бўлган Хиротдаги жомеъ масжидни қайта тиклайди. 1500 йил 16 мартда қурилиш тугагач, Навоий элини тузлаб ош беради ва иморатни битиришда иштирок этган 100 га яқин устага инъомлар улашади.

Шунингдек, Навоий Хуросоннинг машҳур бўлоқларидан бири Тус вилоятининг юқори қисмида бўлган Чашмаи тил сувидан 80 км. ариқ қаздириб сувсизликдан қийналган Машҳад аҳолисига сув олиб келади.

Албатта, бунча ишни уdda-лаш ҳам қомиллик мақомидати забардаст сиймо Навоийга хос. Ҳайрат ва ҳаваста сазовор.

Нигора **МЎМИНОВА**,
вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи адабиёт бўлими мудираси.

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулшан сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.
Ҳазрат Алишер Навоий шахси, ижоди, фаолияти ҳам маънавият, ҳам маърифат сабоидир. Шунинг учун ҳам Навоий уммонига ихтиёр-беихтиёр қайта-қайта мурожаат қиламиз.

Инсонни инсон қилувчи фазилатлар, умуман қомил инсон тарбияси Алишер Навоий ижодининг бош ғояси бўлиб, асарларининг ғоявий-бадий моҳиятини ташкил этади. Навоийнинг нутқи ва нидолари, тақлифу тавсиялари, тарғибу ташвиқлари, маслаҳату насихатлари, васиятлари қаратилган шахс – бу, албатта, барқамоллиги орзу этилган навқирон авлоддир.

Бунинг замирида миллат, давлат ва мамлакат келажигини буюк ва барқамол кўришдек улғувор, неқбин мақсад мужассам. Барқамоллик – қамолот, қомиллик, таъбир жоиз бўлса, маънавий-жисмоний бутунлик, тугаллиқдир.

Қамол эт касбқим, олам ўйидин
Санга фарз ўлмағайи галмоқ чиқмоқ.
Жаҳондин нотамоғим ўлмақ биайниҳ
Эрур ҳаммомидин нопоқ чиқмоқ.

Қитъанинг ҳаётий сабоги шундаки, дунёга келиб, мақсадсиз яшаган, инсоний барқамолликка эриша олмаган одам, охир-оқибатда, олам уйдан ғамноқ – афсус-на-домат билан чиқади.

Ишқимда ишқ илмининг маҳзани,
Қарилмақда харж қилғил ани.

Шоир талқинидаги илм ҳозирги тушунчамиздагидан кўра кенгрок маънога эга. У илм-фан маъносидан ташқари, ҳунар, касб-кор, ҳаётий тажриба каби маъноларни ҳам англатади. Бир қараида, ёшлик илмни йиғиш, тулаш – қарилмақ эса харж қилиш, сарфлаш мавсумидир. Чўқуррок ёндашганда, илм шундай хазинаки, у инсонга тўқ-фаровон, бой-бадавлат, бахтли-саодатли умр кечириш ва қариганда муҳтож бўлмаслик, қарилмақ айёмида хор-зор, қаровсиз қолмасдан, ёшликда орттирилган илм хазинаси эвазига роҳат-фароғатда яшаш имкониятини беради.

Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари қомил инсон тарбиясига доир муҳим манбалардандир. Айниқса, унинг иккинчи қисмида маънавий барқамолликка оид қатор фазилатлар шарҳланади. Ёшларимиз учун энг зарурларидан

бири қаноатдир. «Қаноат – бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан қамаймайди. У бир экинзорки, урути из-зат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меvasи бордир». Дарвоқе, қаноат билан табиатини тоблаган инсон мол-давлат илин-жида олис юртларда сарсон-саргардон кезмайди, обрў-эътиборини ерга урмайди, оиласи ва халқининг шаънига доғ туширмайди.

Асарнинг учинчи қисмидаги таърифлар, хусусан, саховат ва ҳиммат тўғрисидаги таърифда қўндал мулкнинг заёт этувчи қуйидаги мушқоҳадлар мавжуд: «Ҳиммат аҳлининг ихтисоси – саховатдир; бу улут сифат – покиза кишиларга хосдир. Одам – бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир; ҳимматлилардан олам аҳли учун юз минг шараф ва шукӯҳ етишади. ... Ҳимматсиз одам – хазина топса ҳам буюкларга тенг бўлмас».

Тухм ерга қуриб, чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.
Лола тухмича заиратинг йўққин,
Ипак қуртича ҳимматинг йўққин?

Тухм, яъни лола уруғи – ёруғ дунёни тарқ этиб, ер бағрига кирди, гайрат-шижоат кўрсатиб томир отди, тупроқни ёриб чиқиб ўсди, лола гули бўлиб очилиб, оламга гўзаллик бағишлади. Қурт ўз жонидан кечиб, ўз вужудини қурбон қилиб, шила ўради. Шу йўл билан инсоният оламни қийинтирулик ипак ҳада этди. Арзимас бир уруғ ва жонзот гайрат ва ҳиммат билан бўёқдорлик кўрсатди. Эй одамзот, сен қоиотнинг гултожисан, сenga-гина раво қўрилган тафаккур ва амал қоиотдаги бошқа бирор жонзоту жонсиз унсурда йўқ. Наҳотки, оддийгина лола уруғичалик гайратинг, ипак қуртичалик ҳимматинг бўлмаса, дея нидо чекмоқда.

Навоий асарларидаги ақл-заковат дурдоналарини ўзлаштириш ҳам барқамолликка эришишнинг муҳим омилларидандир.

Алишер Навоий ижодининг асарият қисми барқамол авлод тарбиясига бағишланган, десак муболага бўлмайди. Бу асарлар мазмунини ва ғояларини ўқиб ўзлаштиришнинг ўзига киёфия эмас. Улар ёшларимизнинг ҳаёти ва фаолиятида ўзининг амалий ифодасини томонга зарур.

ТИЛИМИЗ ЛАТОФАТИ – САВОДХОНЛИКДА

ТАШВИШ

Меҳнат фахрийситман. Ёшим саксондан ошди. Бугунги кунда туманимиз, вилоятимиздаги ободончилик, бўёқдорликларни кўриб қувонаман, қўнғим ай-райди. Бозорларимиздаги туқинчиликларни айтмасиз-ми?! Қиш фасли бўлса ҳам ҳамма нарсa муҳайё. Аммо мени бир нарсa қийнайди. Бу ҳақда узок ўйладим ва фикримни баён этишни лoзим тойдим. Яъни бекатлар, транспортлардаги саводсиз-ларча тайёрланган белги ва ёзувлардаги хатолар ҳақида айтмоқчиман.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ўттиз тўрт йилдан ошган бўлса-да, ҳалигача саводхонликка эриш-са олмагандимиз-ми, дейман-да. Одийитига қилиб айтганда, автобус ва «Дамас»лар ойна-сига ёпиштириб қўйилган эслатмаларнинг қўлида хато, Бирода рус, бошқаларида рус ва ўзбек сўзлари қорилиш ёзилган: «Янги сахар боль-ница», «Дошқола», «Пища фабрика». Йўл ҳақини «Ёл ҳақки» дейилганига нима дей-сиз? Яна бирини ўқинг: петак, питак, пятак. Бу нима деган-ни?! Бу орқали йўловчиларга қайси манзилни айтишмоқда ёки кўрсатишмоқда қай-дир хайдовчиларимиз!?

Бозорларда ҳам шундай ҳолатларга дуч келасиз. «Оп-том» сўзини она тилимизда улғуржи десак бўлмайди! Баъзи-бир дўконлардаги ёзу-вини кўринг: «Биз очилдик!» Бу нимаси? У тилмики, очилса?!

Шу каби саводсизлик-лар сабаб хайдовчилар билан тортишиб, ёзувларни ўзгартиришнинг тушунтири-шимга ҳам тўғри келди. Шун-да баъзи бирлари «Сиз-га нима, отахон?» деса яна бошқалари бунни компьютер-да ёзиб беришганини айтиб, ўзларини оқламоқчи бўлишди.


Бугунги кунда Наманганимизда-ги байрамлар халқроқ мақомига эга бўлиб бормоқда. Қўнлаб санъат ва спортга оид мусобақалар, семинарлар сабаб ҳам чет эллик меҳмонлар вило-ятимизга таъриф буюрмоқдалар. Ўзбек юрти ва ўзбек тилига меҳри тушиб, уни ўрганган хорижликлар мабодо шу сўзларни ўқиб қолса-лар қулуга қолмаймизми?!

Транспорт воситаларини савдо дўконлари, бозорлардаги ёзувларни беҳато ва сифатли ёзилишга эъти-борли бўлайлик. Бу менинг ишим эмас, демасдан, бу юмушга ҳам хар биримиз даҳлдор ва маъсулятли эканлигимизни унутмаслик керак.

Зокиржон **ИНОМОВ**,
Янги Наманган тумани.

Тафаккур

Ҳажр сўзининг даҳшати ошиқни ўлдиргани билан, висол ҳақидаги хабар унинг жисмига яна жон бағишлайди. Алишер Навоий.



Салом, оқ кема, бу мен!

Носир АББОС.

Наманган Давлат университетида Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллигига бағишлаб chop этиланган халқаро миқёсдаги илмий-бадиий асарлар жамланган «Про любовь, память и будущее» номли китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

Вилоятимиздаги давлат ва но- давлат олий ўқув юрталари ҳамда Қирғиз миллий-маданий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир университет рус тили ва рус адабиёти кафедралари ҳамда университет қошидаги «Заветная лира» (Муқаддас лира) ёш ижод-корлар клуби жамоаларининг савий-харакати билан илмий-ада-бий анжуман тусини олди.

Университет проректори Шухрат Отахонов, ўзбек фило-логияси факультети декани Абдулғаффор Назаровларнинг Чингиз Айтматов шахси ва ижо-дий фаолияти қамровидаги ки-риш сўзлари иштирокчиларда ўзига хос масъулият уйғотди.

Университет профессори, Халқаро Пушкин танлови лау-реати, «Заветная лира» клуби раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Қодиржон Но-сиров анъанавий Айтматовхонлик кунларига бу гал ҳам астойдил тараддуд қўрилгани хусусида тўхталиб, янги илмий-адабий тўпламга киритилган тадқиқий асарлар, Чингиз Айтматов ижоди-га ўзига хос ёндашув ва уларнинг аҳамиятига иштирокчилар эъти-борини қаратди.

«Заветная лира» клуби аъзола-ри, истеъодли талаба ёшларнинг чиқишлари, «Обон» ва «Тополёк» гуруҳларига бўлиниган киргиз тўлаидаги киритилган тадқиқий асарлар, Чингиз Айтматов ижоди-га ўзига хос ёндашув ва уларнинг аҳамиятига иштирокчилар эъти-борини қаратди.

Рус филологияси факультети 2-босқич талабаси Моҳигода Бой-назарованинг истеъоди олишга сазовор бўддики, у бошловчи

сухандонлик қобилияти билан-пина эмас, Онабўри никоида («Қиёмат»даги Акбара)ли қойилмақом чиқиши билан ҳам ўз талантини намоён эта олди.

Саҳнага қизил дуррачали қизлар чиқишганидаёқ буюк адибнинг «Жамила»си иштирок-чилар диққат марказида турди. Қиссанинг муаллиф томонидан «Обон» (Куй, севги куйи) деб номлангани кўпчилиққа маълум. Шундай бўлса-да, қизил дурра-чали талаба қизлар ўз гуруҳлари номини бежиз «Обон» гуруҳи деб номлашмаганини жуда ёқимли импровизация орқали тақдим этишди.

Таълимга технологиянинг ки-риб келгани оламча қулайликлар яратгани тайин. Тадбирда ZOOM орқали Ўш давлат университети профессори Венера Сабирова ҳам иштирок этдики, қирғиз фар-занди Чингиз Айтматов шахси ва ижодий меросига муҳаббатли муносабат учун НамДУ ректо-рати, Наманган илмий-адабий жамоатчилигига миннатдорлик билдирди.

Бизнес ва фан университети до-центти Аъзамжон Аҳмедов, ўзбек филологияси ўқитувчиси Коми-лжон Файзиев, вилоят Қирғиз ми-ллий-маданий маркази раҳбари Нодира Мирзаолимоваларнинг чиқишлари ҳам буюк адиб ижо-дига меҳр ихори бўлди.

Тадбир ташаббускори, профес-сор Қодиржон Носиров илмий-адабий тўпламдан эссе ва шеърла-ри ўрин олган таниқли ижодкор ҳамюртларимиз - Бойки Мирзо

ҳамда Гули Муродга рус адаби-ёти ва рус тили кафедралари мудирилари Мамасоли Хайитов ва Шухрат Набиевларга алоҳида эъ-тибор билан миннатдорлик бил-дирди. Университет қасаба уюш-ма ташкилоти раҳбари, фалсафа доктори Шермуҳаммад Бегматов тадбир ташаббускори Қодиржон Носировга бир қучоқ гул ҳамда ташаккурнома тақдим этиши иштирокчилар олқишининг ҳам рамзи эди.

Тўрт бўлимдан иборат тўпламдан Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодини илмий-адабий ўрганиш қамровидаги 40 дан зиёд эссе, шеър ва мақолалар ўрин олганки, уларни ўқиб, дунё ади-бининг башоратлари, нойлари, чорловларини янада аниқроқ, теранроқ англашимиз мумкин.

«Репетитор» газетаси муҳаррири, НамДУ мустақил тадқиқотчиси Гулчехра Муродова тўпламдан жой олган «Бадиий тафаккур долгалари» номли эс-сесида «Оқ кема»ни ойдинлик, тўқислик ва эрк тимсоли, дейди ва унга талпинган, унга қўл сил-киплаган ўтди-кетди. Ҳаёт давом этипти, кураш долгалари оралаб, ҳамон инсониятни ўзига чорла-ётган оқ кемага энди ҳам пешвоз чиқишимиз керак-ку. Нега у мен бўлмаслигини керак? Нега у сиз бўлмаслигини керак? Нега у биз бўлмаслигимиз керак?! деган ма-салани қўяди. Демак имкон бор, имон бор, жон бор, тафаккур бор-ки қалбон жўр бўлайлик: Салом, оқ кема, бу мен!

Наманган шахридаги 3-умумтаълим мактабида ўтказилган адабий тадбир «Икки буюк маънавий уммон» деб номланди. Унда сўз мулкнинг соҳибқирони Алишер Навоий, улут шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодининг ёшлар тафаккурини ўстиришдаги бекиёс аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Сухбатда Алишер Навоий ада-бий мероси 4585 асардан иборат экани, бу асарлар 31 жанрда ёзил-гани, «Бобурнома»нинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги суратли-безакли янги наشري chop этилгани таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Журна-листлар уюшмаси вилоят бўлими

Икки буюк сиймо

Ҳусниддин ИНОМОВ.

раҳбари, Ёзувчилар уюшмаси аъ-зоси Носиржон Деҳқонов, адаби-ётшунос Муҳаммад Вали, «Репе-титор» газетаси бош муҳаррири Гулчехра Муродова, ЎзА фото-муҳбири Хотамжон Мамадалиев, «Наманган ҳақиқати» газетаси бўлим мудири Гулчехра Бувамир-заевалар иштирок этган тадбирда савол-жавоблар шеърхонликка уланди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жа-моат фонди молиявий кўмаги бил-дан амалга оширилаётган «Билим – нажот қалити» лойиҳаси доира-

сида ўқувчи ёшларга «Репетитор» газетасининг бепул нусхалари тарқатилди.

– Кўни кеча муҳтарам Пре-зидентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеосе-латорда мактабларда ташкил-ланажак ижодий учрашувлар ўқувчи ёшлар хотирасида ўчмас из қолдириши ҳақида сўз борди. Икки мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олаётган мактабимиз ҳаётида бу-гунги тадбир чинакам маънавият байрамига айланди! – дейди мак-таб директори Нигора Тўхтабоева.

Бир уммонки, жавоҳир кони

Лобархон РУСТАМОВА, Турақўрғон туманидаги 1-ИДУМ ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 19 мартда ёшларга оид давлат сиёсатида таъаллуқли ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сўрган эди. Ундаги тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тартиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Мазкур метёрий ҳужжат амалиётчи ўқитувчилар олдига ҳам миллий ва жаҳон адаби-ёти намоёндаларининг ижод намуналарини

педагогик нуқтаи назар билан тадқиқ қилиш, ўрганиш ва ўқитиш за-руратини вазифа қилиб қўйди.

Халқ таълими тизи-мида миллий ўқув дастури ишлаб чиқилди. Ўқитишни миллий ўқув дастури асосида ташкил этишдан асо-сий мақсад билим, ма-лака ва қўникмаларни тўлашдан ташқари, уни ҳаётий фаолиятда ҳам қўлланшдир.

Ўзбек адабиётшу-нослигида Алишер На-воий ҳаёти ва ижоди-га оид маълумотлар қанчалик кўп бўлмасин олиб борилаётган илмий-тадқиқий из-ланишлар ҳали етарли ҳисобланмайд.

Б о б о к а л о н и м и з шахсида «Мутафаккир-ларнинг мутафаккири,

авлиёларнинг авлиёси, шоирларнинг шоири», дея таъриф берилиши бежиз эмас. Алишер На-воий шахсидаги қомил инсонга хос фазилатлар ўз-ўзидан унинг бар-ча жанрлардаги ижод маҳсулига ҳам қўнган.

А с а р л а р и д а г и қаҳрамонларнинг юрт ободлиги ва эл фаро-вонлиги йўлидаги саъй-харақатларини Алишер Навоий ўз амалиётидан ўтказган.

Ж а с у р л и к , қаҳрамонлик, ватанпар-варлик, меҳрибонлик, муомала маданияти, кам-таринлик, ҳомийлик, бунёдкорлик, адолат-пешалик, ростўйлик, нурур, ор-номус ва ҳаё... Эҳ-ҳе, бу каби фазилат-ларни ўзига мўжассам этиш ва ҳаётнинг ўнқир-чўнқирликларида ҳам

улардан воз кечмай собитқадамлик билан ўтиш албатта, осон эмас. Алишер Навоий айнан шундай фазилатларга гард юқтирмай яшагани ҳам ибратлидир.

Амир, ҳоким, муҳрдор. Қўйинчи, ра-ийт пешвоси салтанат суянчиги ноёб қобилият ва буюк истеъодли бил-лан бебаҳо ижодий ме-рос ҳам яратган. Навоий ижодидаги санъат турла-рининг ранг-баранглиги ҳали ҳануз қалам аҳлида ҳавасмандлик ҳайратини уйғотди.

Ранглар ва рақамлар, арабий ҳарф ва товуш-ларнинг тўланишлари билан уйкаш нақшнинг сўз санъати ҳали неча замонлар яна қанча ма-қонлардан ошиб ада-биётшунос олимлару фозилларнинг илмий тадқиқот ишларига асос бўлиши шубҳасиз.

Кун тарихи

(7 февраль)

Бахтиёр ИСҲОҚОВ, НамДУ археология кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиб.

- 1568 йил – Соломон ороллари қашф этилган.
- 1795 йил – Ҳожибей порти номи Одессага ўзгартирилган.
- 1832 йил – Николай Лобачевский Фанлар академиясига ноёвклид геометрияси (инглиз матема-тиги Уильям Клиффорд уни «Геометрия Коперни-ти» сифатида баҳолаган) бўйича яратган биринчи асарини тақдим этган.
- 1847 йил – Фёдор Иноземцев Ригадаги 1-шаҳар касалхонасида эфир нарқози ёрдамида биринчи марта муваффақиятли жарроҳлик амалиётини ба-жарган.
- 1863 йил – америкалик муҳандис Алон Кэй дунёда биринчи бўлиб ўзи ихтиро қилган ённинг қарши воситага патент олган.
- 1900 (вафоти 1951) йил – ўзбек шоири, дра-матург, педагог Рафиқ Мумин Наманган шахрида таваллуд топган.
- 1926 йил – «Туркманфильм» кинофабрикаси ташкил топган.
- 1971 йил – Швейцарияда аёллар сайлов ҳуқуқига эга бўлган.
- 1974 йил – Гренада истиқлолга эришган.
- 1992 йил – Ўзбекистон Республикаси ва ҚХДР ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган.
- 1992 йил – Европа жамоиятига аъзо давлатлар ўртасида Европа Иттифоқини тузган Маастрихт шартномаси имзоланган.
- 1998 йил – сноуборд Олимпия ўйинлари дастурига киритилган.
- 2018 йил – «Doll Sweet Dolls» ва «EX Doll» компаниялари (ХХР) биргаликда уй йиғиштириш, идиш-товуқ ювишда унга ҳеч қим тенг келолмайдиган робот қизни яратган.

СПОРТ

Оқилхон ДАДАБОВЕВ.

Наманган шахрида спортнинг муай-тай тури бўйича 2009-2010 йилларда тузилган ҳамда +18 ёшдан юқори эркаклар ва аёллар ўртасида вилоят чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон муай-тай федерацияси вилоят бўлими томонидан ташкилланган мусобақада барча шахар ва туманлардан сараланган 150дан ортқ шарқона якка-қураш усталари голиблик учун рингга чиқди.

Эътироф этиш даркор, вилоят биринчилигида На-манган муҳандислик-технология институтини жисмо-ний тарбия ва спорт бўлим бошлиғи, доцент, моҳир мураббий Улутбек Қўчқоров бошчилигидаги спорт тўтараги тарбияланувчилари салмоқли натижаларга эришдилар.

НамМТИнинг муай-тайчи 37 талабаси баҳсларга

Янги тартиб

Илҳом ДАДАБОВЕВ, Наманган шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.

«Ўзбекистон - 2030» стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши доирасида 2024 йил 1 январдан бошлаб аҳолига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан автоматотранспортларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг олди-сотида шартномалари ва бошқа нотариал тасдиқланган битимларни «Нотариус» автоматлаштирилган

ахборот тизимидан олиш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур ҳужжатга кўра, жорий йил 1 январдан барча шахар ва туманларда босқичма-босқич «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилади.

2024 йил 1 мартдан бошлаб эса, нота-риал идорага келмасдан, шу жумладан, чет элда туриб мол-мулкдан фойдала-ниш билан боғлиқ битимларни (мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишдан ташқари) электрон рақамли имзодан

НОТАРИАТ ХИЗМАТИ

фойдаланиб, видеоконференцалока орқали расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилди.

2024 йилда жамоатчилик фик-ри асосида шакллантирилаётган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 10 триллион сўм, шундан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурулари учун камида 4 триллион сўм йўналтирилди.

2024 йил якунигача қонунда бел-гиланган асосларда тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларига санкция бериш масаласини алоҳида судьялар – тергов судьялари томонидан қўриб чиқиш тартиби жорий этилади.

Юқоридиги ҳужжатга кўра, 2024 йил 1 январдан қуйидаги тартиблар жорий этилди:

биринчи марта жиноят содир этган

ВАЛЮТА

2024 йил 7-февраль ҳолатига	1 АҚШ доллари	12469.89	1 Япония иенаси	83.97
	1 ЕВРО	13410.12	1 Швейцария франки	14328.27
	1 Россия рубли	136.82	1 Қирғиз соми	139.57
	1 Англия фунт стерлинги	15714.56	1 Қозғистон тенгеси	27.46

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича ҳисоб-китоб, статистика ва бошқа ҳисобларни, қўнғинда ҳисоб ва бошқа маълумот турларини ҳисоблаб чиқариш учун қуйидаги жорий валюта курсларини белгилайди. Нотариус Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўшбу миқдорда валютани сотиб олиш» ва «Ўшбу миқдорда валютани олиш» қилиб берилади.

Тафаккур

Ақли кўпнинг сўзига қирмоқ – яхшидир, Лекин алданмоқ ҳам, алдамоқ ҳам яхши эмасдир. Алишер Навоий.

Наманган ҳақиқати
Муассис:
Наманган вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир:
Акрамжон САТТОРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона: (69) 227-89-43.
Котибият: (69) 227-91-25.
Маданият бўлими: (69) 227-95-21.
Давлат қурилиши ва қонунчилик бўлими: (69) 227-91-50.
Ахлок бўлими: (69) 227-91-50.
Умумийтасдиёт бўлими: (69) 227-96-60.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: (69) 227-93-39.
Эълонлар бўлими: (69) 227-91-19.
Ҳисобхона: (69) 227-98-31.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 22 декабрда 08-0001 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Тахририят манзили: 160108. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.
Индекс: 5000.

Навбатчи: Муҳиддин Мағзумов.
Мусахҳиш: Насимжон Юнусов.
Саҳифаловчи-дизайнер: Абдуқаҳҳор Юлибоев.
Тахририятга 14 шрифт, 1,5 интервалда 5 қўғоздан ортқ (шунингдек қўғёзмалар ҳам) мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган материаллар эгасига қайтарилимайди.

«Poligraf press» МЧЖда офсет усулида 7 721 нусхада chop этилди.
Қўғёз бичими – А-2.
Ҳажми – 2 босма табоқ.
Қорхона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (б)-уй.
Буюртма: 84.
Босишга топшириш вақти: 17.00
Топширилди: 19.00

Сотувдаги баҳоси: 5000 сўм

www.namhaqiqat.uz
@NamanganHaqiqati_Rasmiy
nam-haqiqat@gmail.uz

ISSN: 2091-5853

– белгиси билан тижорий мақолалар берилади.